

**Суннатов Мухтор Неъматович,  
Давлат статистика қўмитаси  
хузуридаги Кадрлар малакасини  
ошириш ва статистик  
тадқиқотлар институти катта  
ўқитувчиси**

## **ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК БОЗОРИНИ МУҲОФАЗА МЕХАНИЗМИ**

*Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк бозори ривожланиши кўрсаткичларини таҳлил этиши негизида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилган.*

*В данной статье разработаны рекомендации по совершенствованию государственной системы управления на основе анализа показателей рынка интеллектуальной собственности Республики Узбекистан.*

*In this article developed recommendations for improving the state management system based on the analysis of indicators of the intellectual property market of the Republic of Uzbekistan*

Интеллектуал фаолият ғоят катта суръатлар билан ривожланиб бораётган соҳа эканлиги маълум бўлганлиги учун бу жараён интеллектуал фаолиятнинг хилма-хил янги соҳаларини очмоқда, янгидан-янги натижаларни вужудга келтирмоқда. Бу эса интеллектуал фаолиятни бошқариш натижаларининг иқтисодий-хуқуқий режимини белгилашда қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шулардан бири инсоннинг интеллектуал фаолиятдаги ўрни масаласидир. Маълумки, инсон интеллектуал фаолиятни ижодкор субъекти ҳамда интеллектуал фаолиятни бошқарувчиси сифатида ҳам намоён бўлиши. Кўплаб адабиётларда интеллектуал капитал асосан инсон салоҳиятини асослаб беради. Жумладан, адабиётларда интеллектуал капитал модели компаниянинг интеллектуал салоҳияти бўлиб хисобланади. [3]

Интеллектуал мулк институти замонавий глобал иқтисодиётнинг ядроси бўлиб “моддий” бозорларнинг ўсиш суръатларидан юқори, йилига 10 фоиздан кўпроқ ўсмоқда (Хитой-23 %, АҚШ-5 %, Франция-2 %, Россия-5 %). [4]

Мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳасида, шу жумладан мазкур соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича ислоҳотлар изчили амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг олиб борилаётган ислоҳотларни давом эттириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони истиқболдаги режа дастурларини бажарилиш талабини белгилаб берди. Жумладан, бешта устувор йўналишнинг тўртингчиси ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган бўлиб, унда таълим ва фан

соҳасини ривожлантиришда интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳуқуқларни (муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар, ихтиrolарга бўлган ҳуқуқлар ва бошқалар) бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш, шунингдек бу соҳадаги давлат назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, илм-фан соҳасини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарурияти таъкилаб ўтилди. [4]

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар натижасида интеллектуал мулк бозорини тартибга солишнинг самарали механизmlари ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, 2019 йил 8 февралда “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4168-сон, 2021 йил 28 январда ПҚ-4965-сон “Интеллектуал мулк обьектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди. [1] Қарор давлат ва хўжалик органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг интеллектуал соҳасини тартибга солишдаги фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва интеллектуал мулкка нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантиришни асослаб берди.

Илм-фан ва инновацияни ривожлантириш, бу соҳадаги ютуқларни юқори қўшилган қийматли маҳсулотга айлантиришда интеллектуал мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш жуда муҳим. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг асосий фаолияти интеллектуал мулк обьектларига талабномаларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш, уларни экспертиздан ўтказиш, талабнома берувчилар ва/ёки уларнинг вакилларига талабномалар бўйича тегишли қарорлар, билдиришномалар ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш ва жўнатиш, интеллектуал мулк обьектларини рўйхатдан ўтказиш, муҳофаза ҳужжатларининг ҳуқуқий мақомини аниқлаш бўйича ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ ишларни бажаришдан иборат бўлиб 2015-2019 йилларда ихтиrolарга патент олиш учун келиб тушган умумий талабномалар сони 2808 тани ташкил этди (1-жадвал).

#### **1-жадвал**

#### **2015-2019 йилларда ихтиrolарга талабнома топшириш динамикаси**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2015</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>	<b>жами</b>
Топширилган талабномалар, жами улардан:	507	555	553	650	543	2808
Миллий талабнома берувчилар томонидан	288	353	357	470	374	1842
Хорижий талабнома берувчилар томонидан	219	202	196	180	169	966

шу жумладан, Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома (PCT) процедураси бўйича	213	194	185	157	153	902
--	-----	-----	-----	-----	-----	-----

Миллий ихтиорчилардан 374 та ариза келиб тушган бўлиб, бу кўрсаткич қабул қилинган аризалар умумий сонининг 68,9 % ини ташкил этди. Чет эллик талабнома берувчилар 169 та талабнома топширдилар, ёки уларнинг умумий сонининг 31,1 % ини ташкил этди. Ҳисобот йилида талабномаларнинг асосий қисми 90,5 % Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома (PCT)га мувофиқ берилган. Аввалги йилларда кузатилганидек, талабнома берувчилар томонидан патент олишда Халқаро патент классификацияси (ХПК)нинг асосан иккита бўлими бўйича қўпроқ фаоллик тенденцияси сақланиб қолди. [5]

Хорижий талабнома берувчилар орасида АҚШ, Германия, Ҳиндистон, Россия ва Швейцария мамлакатлари энг кўп фаоллик кўрсатдилар. Жумладан, АҚШ 43 та, Германия 15 та, Ҳиндистон 14 та, Россия 13 та, Швейцария 12 та талабнома келиб тушди. Хорижий талабнома берувчилардан келиб тушган жами талабномаларнинг 57,4 фоизи мана шу мамлакатларга тўғри келган. Ҳисобот йилида хорижий талабнома берувчилардан ихтирога ҳаммаси бўлиб, 29 мамлакатдан талабномалар келиб тушди. 2019 йилда рўйхатдан ўтказилган ихтиrolарнинг умумий миқдори 378 тани ташкил этди, бу ўтган йилга нисбатан 72,6 % га кўп. Улардан миллий талабнома берувчилар ҳиссасига 47,9 %, хорижий талабнома берувчилар ҳиссасига 52,1 % тўғри келади. 2015-2019 йилда рўйхатдан ўтказилган ихтиrolар ҳақидаги маълумотлар 2-жадвалда келтирилди.

## 2-жадвал

### 2015-2019 йилларда рўйхатдан ўтказилган ихтиrolар динамикаси

Кўрсаткич	2015	2016	2017	2018	2019	жами
Рўйхатдан ўтказилган ихтиrolар, жами	153	166	205	219	378	1121
шу жумладан:						
Миллий талабнома берувчилар номига	94	102	144	149	181	670
Хорижий талабнома берувчилар номига	59	64	61	70	197	451
Шу жумладан, РСТ процедураси бўйича	56	62	56	68	185	429

Ҳисобот йилида ихтиrolарга топширилган талабномалар бўйича турли процедура босқичларида жами 1319 та экспертиза ўтказилди, бундан 511 таси расмий экспертизага, 808 таси моҳият бўйича экспертизага тўғри келади. Ихтиrolарга топширилган 424 та талабнома бўйича патент бериш тўғрисида, 117 та талабнома бўйича патент беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул

қилинди ҳамда 267 та талабнома қайтариб олинди. Интеллектуал мулк бозорида амал қилиб келинаётган патентлар сони йилдан-йилга ўсиб келмоқда. Бунга сабаб ихтиrolарни рўйхатдан ўтказиш механизмини такомиллашганлиги билан белгиланади. Жумладан, 2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг ихтиrolарига берилган амал қилаётган патентлар сони 1161 тани ташкил этди (3-жадвал).

### **3-жадвал**

#### **Ўзбекистон Республикасининг ихтиrolарига берилган амал қилаётган патентлар сони, 31.12.2019 йил ҳолатига кўра**

2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра амалда бўлган патентлар	<b>966</b>
2019 йилда рўйхатга олинган ихтиrolар	<b>375</b>
2019 йилда амал қилишини тўхтатган патентлар	<b>222</b>
2019 йилда амал қилиши тикланган патентлар	<b>38</b>
2019 йил 31 декабрь ҳолатига кўра амал қилиб келаётган патентлар	<b>1161</b>

Фойдали моделга патент олиш учун Агентликка топширилган талабномаларнинг умумий миқдори 277 тани ташкил қилган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 34,5 % га кўп. Миллий талабнома топширувчилар томонидан 272 та 98,2 % талабнома топширилган, хорижий талабнома топширувчилар ҳиссасига умумий келиб тушган талабномаларнинг 1,8% тўғри келади. Фойдали моделларга оид талабномалар ҳақидаги маълумотлар қаторига фойдали моделларга ўзгартирилган ихтиrolарга берилган талабномалар ҳам киради, улар 5 та. Фойдали моделларга 2015-2019 йиллар давомида патент олиш учун топширилган талабномалар, улар бўйича ўтказилган экспертизалар ва уларни рўйхатдан ўтказишга тегишли миқдорий кўрсаткичлар 4-жадвалда келтирилган.

### **4-жадвал**

#### **2015-2019 йилларда фойдали моделларга талабнома топшириш динамикаси**

<b>Кўрсаткич</b>	<b>2015</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>	<b>жами</b>
Топширилган талабномалар, жами улардан:	190	158	146	206	277	977
миллий талабнома берувчилар томонидан	186	153	144	200	272	955
хорижий талабнома берувчилар томонидан	4	5	2	6	5	22
шу жумладан, Патент кооперацияси тўгрисидаги	1	2	1	1	-	5

шартнома (РСТ) процедураси бўйича						
-----------------------------------	--	--	--	--	--	--

Топширилган талабномаларни Халқаро патент классификацияси (ХПК) бўлимлари бўйича таҳлил қиласиган бўлсак, 2019 йилда энг кўп талабномалар ХПКнинг қуидаги бўлимлари бўйича топширилди: А - “Инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш” 130 та талабнома, F - “Механик-муҳандислик, ёритиш, иситиш, моторлар ва насослар, портлатиш ишлари” 34 та талабнома ва С - “Кимё ва металлургия” 27 та талабнома келиб тушган бўлиб ушбу бўлимлар бўйича топширилган талабномалар ҳиссаси жами талабномаларнинг 69 % ини ташкил қиласи. Рўйхатга олинган фойдали моделларнинг умумий микдори ўтган йилга нисбатан 34,1 % га ошган бўлиб, 110 тани ташкил этди (5-жадвал). Улардан 98,2 % миллий талабнома берувчилар номига рўйхатга олинган бўлса, қолган 1,8 % хорижий талабнома берувчилар ҳиссасига тўғри келди.

#### **5-жадвал**

#### **2015-2019 йилларда рўйхатдан ўтказилган фойдали моделлар динамикаси**

Кўрсаткич	2015	2016	2017	2018	2019	жами
Рўйхатдан ўтказилган фойдали моделлар, жами улардан:	76	103	107	82	110	478
Миллий талабнома берувчилар номига	73	98	105	81	108	465
Хорижий талабнома берувчилар номига	3	5	2	1	2	13

Ўзбекистондаги худудлар бўйича фойдали моделга топширилган миллий талабнома берувчилар орасида рўйхатдан ўтказилган талабномаларнинг энг кўп микдори, Тошкентдан 170 та талабнома, Бухородан 26 та ва Тошкент вилоятидан 15 та талабномакелиб тушган. Уларнинг ҳиссаси миллий талабнома берувчилар номига рўйхатдан ўтказилган талабномалар умумий микдорининг 77,6 фоизини ташкил этади. Ҳисобот йилида фойдали моделларга патент бериш учун топширилган 433 та талабнома экспертизаси ўтказилди, улардан 217 таси расмий экспертиза, 216 таси моҳият бўйича экспертизага тўғри келади. Фойдали моделларга патент бериш учун 119 та қарор, 50 та рад этиш ҳақидаги қарор ва 47 та талабнома қайтариб олинди. Фойдали модел бу конструктив йўл билан бажарилган қурилмадир. Шунга кўрафойдали модел патенти 5 йил амал қиласи, 3 йилга узайтирилиши мумкин. Шу ўринда 31 декабрь 2019 йил ҳолатидаги Ўзбекистон Республикасида фойдали моделларига берилган амал қилаётган патентлар сонини таҳлили 6-жадвалда келтирилган.

#### **6-жадвал**

#### **Фойдали моделларга берилган амал қилаётган патентлар сони, 31.12.2019 йил ҳолатига кўра**

2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра амалда бўлган патентлар	<b>108</b>
2019 йилда рўйхатга олинган фойдали моделлар	<b>110</b>

2019 йилда амал қилишни тўхтатган патентлар	<b>92</b>
2019 йилда амал қилиши тикланган патентлар	<b>7</b>
2019 йил 31 декабрь ҳолатига кўра амал қилиб келаётган патентлар	<b>133</b>

Патент бугунги кунда жаҳон бозорида энг харидоргир товарлардан ҳисобланади. Халқаро тижорат операцияларида интеллектуал мулк обьектлари билан боғлиқ битимлар қиймати ҳозирги вақтда ҳар йили 35 миллиард долларни ташкил этмоқда. Юқоридаги ҳолатлар патент тизимини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Кўпчилик дунё мамлакатлари Париж конвенцияси иштирокчиси бўлса ҳам бу ҳолат турли патент тизимлари мавжудлигига асло тўсқинлик қилмайди. Бу тизимларда патентларни барқарорлиги, уларни бекор бўлиши турлича асосларга эга. Умуман олганда патент эгаси ҳам, лицензия асосида патентдан фойдаланувчилар ҳам патентга ўз мулкий хуқуқларини кафолатловчи юридик ҳужжат сифатида қарашадилар.

Бозор иқтисодиёти тизимида тадбиркорлар учун бу алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Бироқ патентни юридик кучи ишончли ва барқарор бўлса, яъни патентни бекор қилиш ёки у бўйича низолашув қийин бўлган тақдирдагина патент кафолат воситаси бўла олади. Ихтиро ва саноат намуналари ҳақидаги маълумотлар расмий-оммавий эълон қилингандан кейин патентини бекор бўлиши бу обьектлардан рақиб фирмалар томонидан эркин фойдаланишга имкон туғдиради, сабиқ патент эгаси умид қилган даромаддан маҳрум бўлади.

Саноат намуналарига патент олиш учун топширилган талабномаларнинг умумий сони 2015-2019 йилларда 1199 тани ташкил этади. Топширилган талабномаларнинг катта миқдори миллий талабномалар ҳиссасига тўғри келган бўлиб, жами топширилган талабномалар миқдорининг 91 % ини ташкил этади, хорижий талабнома берувчилар ҳиссасига 0,9 % тўғри келади.

Рўйхатдан ўтказилган саноат намуналарининг умумий миқдори ўтган йилдагига нисбатан 4 % гакамайди ва жами 169 та саноат намунаси рўйхатга олинди. Бунда миллий талабнома берувчилар ҳиссасига рўйхатдан ўтказилган жами саноат намуналарининг 89,3 % тўғри келса, хорижий талабнома берувчилар ҳиссасига 2019 йилда рўйхатдан ўтказилган талабномалар умумий ҳажмининг 10,7 % и тўғри келади). Саноат намуналарига берилган амалдаги патентлар сони, 2019 йил 31 декабрь ҳолатига кўра 566 тани ташкил этади. [5]

Товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун топширилган талабномаларнинг умумий сони 7217 тани ташкил қилди. 2018 йилга нисбатан 1374 % кўпdir. Миллий процедура бўйича 4319 та талабнома топширилган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 12,6 % га ортиқ, миллий талабнома топширувчилар томонидан 3586 та талабнома келиб тушган. Ҳисобот йилида хорижий талабнома топширувчилардан миллий процедура бўйича 733 та талабнома келиб тушган. Хорижий процедура бўйича 2898 та талабнома келиб тушган бўлиб, бу 2018 йилга нисбатан 15,3 % га кўпdir.

Республикада дастурий маҳсулотларни рўйхатдан ўтказиш бошланган даврдан буён энг кўп талабнома келиб тушган бўлиб, 2015-2019 йилларда 5001 тани ташкил қилган. 2018 йилга нисбатан дастурий маҳсулотларга талабномаларнинг келиб тушиши 64,6 фоизга ошган. Жами келиб тушган талабномаларнинг 98,7 фоизи ЭҲМ учун дастурларга, 1,3 % и эса маълумотлар базаларига тўғри келади. Ҳисобот даврида юридик шахслардан 660 та талабнома келиб тушган бўлиб, бу жами келиб тушган талабномалар миқдорининг 37,4 % ини ташкил қилади ва жисмоний шахслардан келиб тушган талабномалар сони 1106 та талабнома келиб тушган бўлиб, бу жами келиб тушган талабномалар миқдорининг 62,6 % ини ташкил қилади. [5]

Интеллектуал фаолиятда селекция ютуқларидан унинг натижаларидан иқтисодиётнинг кенг кўламдаги фаолиятида юқори қўсаткичларга эришилиши маълум. Илмий интеллектуал фаолиятнинг натижалари ичida селекция ютуқлари ўзига хос тарзда ажралиб туради. Селекция ютуқлари ўз моҳиятига кўра тирик табиатнинг бир қисми, табиат дунёсига мансуб жонзотдир. Айни вақтда у тирик табиатнинг ўз маҳсули эмас, ундаги эволюцион табиий танлашлар ва ирсий ўз-ўзидан ривожланувчи мутациялар натижасида вужудга келмаган.

Селекцияни ҳуқуқий муҳофаза қилиш асосларини яратишга илк уринишлар XX аср бошларидан амалга оширилган. Энг аввало ўсимликшуносликда, кейинчалик чорвачиликда селекция ютуқлари ҳуқуқий муҳофаза остига олина бошланди. 1965 йилда Англияда чорвачилик бўйича селекция ютуқлари ҳақида қонун ҳужжати қабул қилинди. Бу бежис эмас эди, чунки у зотдор моллар экспортери бўлиб ҳисобланар эди. 1970 йилларда селекциячиликда янги илмий усуллар ген инженерияси, эмбрионларни кўчириб ўтказиш, жинсини олдиндан белгилаш, радиоактив нурлантириш инқилоб ясади. [6]

Селекция ютуғига патент бериш ҳақидаги талабнома селекциячи, иш берувчи ёки унинг ҳуқуқий вориси томонидан Агентликка топширилади. 2015-2019 йиллар давомида Агентликка селекция ютуқларига патент олиш учун 210 та талабнома келиб тушди, улардан 198 та талабнома ўсимлик навлари бўйича, 12 та талабнома ҳайвон зотлари бўйича. Селекция ютуғининг патентга лаёқатлилик хусусиятлари давлат экспертизаси ва давлат синови орқали аниқланади. Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган Селекция ютуқларига патентларнинг сони, 2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра 124 та бўлган бўлса ушбу кўрсаткич 2019 йил 31 декабрь ҳолатига келиб 156 тага этди (7-жадвал).

#### 7-жадвал

#### **Селекция ютуқларига Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган патентларнинг сони, 2019 йил 31 декабрь ҳолатига кўра**

2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра амалда бўлган патентлар

124

2019 йилда рўйхатга олинган слекция ютуқлари	<b>36</b>
2019 йилда амал қилишни тўхтатган патентлар	<b>4</b>
2019 йилда амал қилиши тикланган патентлар	<b>-</b>
2019 йил 31 декабрь ҳолатига кўра амал қилиб келаётган патентлар	<b>156</b>

Маълумки ўсимлик ва ҳайвонот оламида умуман бутун тирик табиатда ўзига хос эволюцион жараён кечади. Бу жараён натижасида ўсимлик ва ҳайвонларнинг хосса, хусусият ва белгилари маълум ўзгаришларга учрайди. Шу сабабли ҳам қонунда селекция ютуғи патентнинг эгаси зиммасига ўсимликнинг тегишли нави ҳайвонларнинг тегишли зотини патентни амал қилиш муддати давомида нав ва зотга тегишли Давлат реестрида рўйхатга олинган санада тузилган уларга доир расмий тавсифда кўрсатилган белгилар сақлаб қолинадиган тарзда асраш мажбуриятини юклайди.

Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг 1 % га ўсиши умумий даромадлар ҳажмининг 0,37 % га ўсишига олиб келади. Мол-мулқдан олинган даромадлар таркибида бошқа мулкий даромадлар асосий улушга эга бўлиб, унинг улуши 59,5 % ни ташкил қиласиди. Кейинги ўринларда дивиденdlар – 28,4 %, облигациялар, депозитлар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича фоизлар ва муаллифлик ҳақи – 12,1 % ни ташкил қилмоқда.

Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш Давлат агентлиги ва Давлат патент идораси негизида Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигиташкил этилган. Аммо, бу ташкилот бугунги кунда Агентлик томонидан тузилган лицензион шартномалар бўйича муаллифлик ҳақи йиғими билан шуғунланмайди. Бу шундан далолат берадики, ушбу фаолиятни қайта тиклаш мақсадида биз жамоавий ташкилот тузишни тавсия қиласиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4965-сон қарори
2. Лукичёва Л.И., Управление интеллектуальным капиталом. Учеб.пос. 2-е изд. -М.: «Омега-А» 2009. -С.52
3. Эффективное использование интеллектуальной собственности. Центр стратегические разработок. Москва-2017. -С.7
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz). Ўзбекистон Республикаси электрон қонун ҳужжатлари тўплами.
5. [www.ima.uz](http://www.ima.uz) – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг расмий сайти
6. [www.wipo.int](http://www.wipo.int) - Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг расмий сайти.